



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 25 май, № 101 (4254)

Жума

ХАЙР, МАКТАБ! САЛОМ, КЕЛАЖАК!

Сўнги кўнгирак



Бугун мамлакатимизнинг минглаб мактабларида сўнги кўнгирак садоси янграйди. Балимлар дунёсидан навбатдаги муҳим манзили шарафловчи бу тантананада ўқувчилар, ўқитувчилар, халқ таълими мутасаддилари билан бирга ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ҳам қатнашди. Бошқача

қилиб айтганда, бугун бутун эл-юртнинг нигоҳи мактабларга қаратилди.

Мактаблар эса давлатимиз ва ҳукumatимиз эътибори туйғайли йилдан-йилга кўркамлашиб, фарзандларимиз камолига олтин кўприк бўлиб бормоқда. Сўнги кўнгирак маросимларида бу ҳақда ало-

ҳида сўз юритилиб, йиғит ва қизларимизга катта ҳаёт синовларида муваффақият тиланади.

Қадрдон дароҳда янграган кўнгирак ёшларимизни юксак чўққиларга қорлайверсин!

Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич!
Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини қадим Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланаётгани муносабати билан чин қалбдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мен Ўзбекистон Республикасида Хитой Халқ Республикасининг элчиси бўлиб ишлаган пайтимида Самарқанд шаҳрини кўп бор зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганман ва ҳар гал ушбу гўзал шаҳар мени қайта-қайта мафтун этган.

Шарқ гавҳари бўлган ушбу қадимий шаҳар Сизнинг бевосита эътиборингиз ва ғамхўрлигингиз туйғайли тобора гуллаб-яшнамоқда, ўзининг улкан салоҳиятини, гўзал ва бетакрор қирраларини намойён этмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек заминининг бой маданий ва тарихий меросини асраб-авайлаб келаётган мамлакатингизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига нечоғли улкан ҳисса қўшаётганидан яна бир аққол далolatдир.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистонга Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг вакили сифатидаги ташрифим чоғида давлат қурилиши ва юртингизнинг янада ривожланиши ҳамда равақ топиши учун асос бўладиган халқаро алоқаларни йўлга қўйишда мамлакатингиз эришаётган муваффақиятларга яна бир қарра гувоҳ бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сихат-саломатлик, Самарқанд шаҳрига боқий қўрку тароват, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

Гао ЮЙШЕН,

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош Котибининг ўринбосари, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги солиқ Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизга Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан ўз табригимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этди. Сизнинг ушбу қадимий ва навқирон шаҳарда туғилганингизни билганим сабабли ҳам бу мен учун янада қувватлидир.

ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд шаҳри азалдан маданий, илгор илм-фан ютуқлари ва савдо йўллари равақ топан марказ сифатида Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини ўзда бирлаштириб келган. Япон халқи Буюк Ипак йўли билан Япония ўртасида тарихий алоқалар ўрнатилишига улкан ҳисса қўшган ушбу қадим шаҳарга нисбатан ҳамisha алоҳида ҳурмат ва салимий соғинч туйғулари ҳис этиб яшайди.

Мен 2002 йилда Самарқанднинг Регистон майдонини, Бибиноним масжиди каби тарихий ёдгорликларини, бутун дунёга машҳур бошқа меъморий обидаларини кўрганимда, борлигини чекис қувонч ҳамда завқ қўлга олганини аҳси эслайман. Япониянинг қўллаб-қўрғали ҳам ушбу ёдгорликларни кўриш ишתיқий билан яшайди.

Ишончим комилки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигининг кенг нишонланиши турли халқларни бу боқий шаҳарнинг буюк тарихий

мероси билан янада яқинроқ таништиришга хизмат қиладиган муҳим воқеага айланади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сихат-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Йоширо МОРИ,
Япониянинг солиқ Бош вазيري

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни бутун дунёга машҳур ва Сиз учун азиз бўлган тарихий Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи билан чин қалбдан табриклашга ижозат этгайсиз.

ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган, қадимдан Буюк Ипак йўли маркази, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳасида жойлашган Самарқанд илм-фан, маданият ва савдо ривож топан шаҳри Япония учун муҳим боғлаб турувчи йўл ҳисобланган. Бу йўл орқали эса бизнинг мамлакатимизга Буюк Ипак йўли цивилизацияси кириб келган. Ҳозир ҳам Самарқанд японияликлар қалбидан даврларни тарихий боғлаб турувчи азиям шаҳар сифатида қўқур жой олган.

Қўллаб-японияликлар ушбу тарихий муносабатларни ўрганиш мақсадида Самарқандда ташриф буормоқдалар, унинг меъморий ёдгорликлари чиройи ва маҳобатидан ҳайратга тушмоқдалар.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари муваффақиятли ўтишига, бу воқеа жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига кенг жалб қилишига, Самарқанд шаҳри эса келгусида ҳам башариёт цивилизациясини ривожлантиришда ўзининг тарихий ролини давом эттиришига қатъий ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сихат-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Масажуро ШИОКАВА,
Тоё университети ректори,
Япониянинг солиқ молия вазيري

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан чин қалбдан табриклашга ижозат этгайсиз. Сизнинг тақдирингизга буюк мен эътират қилиш шарафига муяссар бўлган Самарқанд Рим сингари жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан биридир.

Шубҳасиз, 2750 йиллик тарихга эга бу шаҳар том маънода инсоният бунёдкорлик қудратини дурдонасидир. ЮНЕСКО томонидан Самарқанднинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши ислом дини меъморийчилиги ва маданиятининг маҳобатли ёдгорликлари нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканининг аққол исботидир. Аслида қандай юксак ҳурмат ва эътироф ҳам бу қадимий шаҳарни том маънода жаҳон маданиятлари ўзроқ туташган масканга айланттириётган ўзбек халқининг самимиийлиги ва меҳмондўстлигини ўзда муҳимасдан эгган Самарқанд шаҳри ва мустақил Ўзбекистон ҳақида тўла тасаввур бера олмайдик.

Эзгу тилаклар билан,

Клаус МАНГОЛЬД,
Немис иқтисодиёти Шарқий қўмитаси раиси

САМАРҚАНДНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ



Инсоният цивилизациясининг қадимий бешиklarидан бири бўлган юртимизда ўтмишда сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар ривожига муҳим ўрин тутган қўллаб-қувватлар шаклланган. Самарқанд ана шундай қадимий шаҳарлардан биридир.

демиси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКО Ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу илмий анжуманда мамлакатимиздан ташқари Австрия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Япония, Франция, Россия, Қозоғистон, Хитой, Швейцария, Миср сингари қўллаб-даватлардан

ҳам етакчи археолог, тарихчи, шарқшунос, манба-шунос олим ва мутахассислар иштирок этмоқда. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда бой ва бетакрор тарихимизни асл ҳолича ўрганиш, улуг алломаларимиз қол-

дирган бебахо меросни кўз қорачиғида асраш ва келгуси авлодларга мукаммал ҳолда етказишга қаратилган кенг қўллаб-қувватлар амалга оширилмоқда. Халқаро ҳамжамиятининг фаол иштирокида кенг миқёсда нишонланаётган қадимий шаҳарларимизнинг юби-

лей тадбирлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон илм-маърифат доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилда яна иккита ана шундай улкан сана — дунёнинг энг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бўлган Самарқанднинг 2750 ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан Чехия Экспорт банки ўртасида икки мамлакатнинг сармоявий ва молиявий ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида амалга оширилаётган сармоявий лойиҳаларни ҳамкорликда молиялаштириш, лойиҳалар экспертизаси ва мониторингини олиб бориш ҳамда қўша дастурларни қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ушбу янги ҳамкорлик давлати қарашли иқтисослаштирилган молия муассасаси бўлиб, асосан, Чехиянинг машина-созлик, нефть-газ, электротехника ва автомобилсозлик саноати маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ҳамда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий корхоналарга узоқ муд-

датли кредитлар ажратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2006 йилда ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало, асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни илмий, барқарор иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда самарали таркибий ва сармоявий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон иқтисодиётига қўшимча сармоя жалб қилиш учун хориждаги молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳам жамғарманинг асосий вазифалари сирасига кирди. (Ў.А.)

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини халқимиз зўр манфаатдорлик туйғулари билан қутиб олди. Сабаби, унга қўра, шу йилнинг ўзида имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида

50 миллиард сум ажратилди.

Бу — билган одамга катта миқдордаги маблағ. Шу маблағ уларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижара олаш), уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарларни харид қилиш мақсадлари учун берилади.

Солиққа тортилмаган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш ниятида олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси, шунингдек, хўжалик субъекти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ эса оила аъзоларининг солиққа тортилмаган даромадларига қармайди.

Қўриб турибдики, мажур Фармон Юртбошимизнинг мамлакат келажаги — ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислам Республикаси Миллий ассамблеяси аъзоси Мир Ҳазархон Бижаронинг раҳбарлигидаги парламент делегацияси 24 май кўни Олий Мажлис фаолияти билан танинди.

Конунчилик палатаси ва Сенатда ўтган мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги алоқалар қўллаб-қувватлаш, жумладан, парламентлараро ҳам

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосан юртимиздаги барча маҳалла, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этилди. Ушбу масъулиятни вазифага катта ҳаёт тажрибасига эга, элдан оғуру топан, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган фаол аёллар тайинланди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Ақбарова бошқарган дав-

ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладигани таъкидланди. Учрашувларда томонлар Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чиқарувчи орган-

ларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказдилар. (Ў.А.)

МАЪНАВИЙ МУҲИТ СОҒЛОМЛИГИ ЙЎЛИДА

ра суҳбатда маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни сақлаш, қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунириш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга қиришига қўмаклашишда маслаҳатчи аёлларнинг ҳиссаси катта бўлаётгани таъкидланди. Уларнинг аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, иш билан таъминлаш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, кам таъминланган, серфаранд оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга яқиндан қўмаклашиш, хотин-қизларни

спортга жалб этиш борасидаги ишлари ҳам эътиборга лойиқдир. Тошкент тумани «Чоштепа» қишлоқ фуқаролар йиғини «Наврўз» маҳалласининг маслаҳатчиси Бухтон Мўминова, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Гуручарик» маҳалласи маслаҳатчиси Тўхтасин Пулатова, Қўбрай тумани «Салор» посёлкаси маслаҳатчиси Гулнора Жўрабекованинг бу борадаги фаолияти ибратлидир.

(Давоми 2-бетда).



Халқаро муқофот — Ўзбекистон Миллий банкига

Шу йилнинг 9-12 май кўнлари Ханой (Вьетнам) шаҳрида Осиё ва Тинч океани минтақасини ривожлантириш молиявий институтлари ассоциацияси (АФИРАТО)нинг 30-йиллик мажлиси бўлиб ўтди.

Ушбу идора 1976 йилда ташкил топан бўлиб, унга дунёнинг 35 та мамлакатидан 72 та банк аъзо бўлган.

Мажур анжуман давомида Ўзбекистон Миллий банки «Кичик ва ўрта бизнес ривожини» тоифасидаги нуфузли муқофот билан тақдирланди. Шунинг таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки мажур ассоциацияга 2000 йилда диний аъзоларга, 2001 йилда директорлар кенгаши аъзоллигига қабул қилинган. Мажур муқофот кейинги отти йил ичида Миллий банк олган соғирлардан тўртинчисидир.

Н. ХАМРОЕВ.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Самарали ҳамкорлик йўлида

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Беларус Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Андрей Кобяков раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор компания ва уюшмаларда музокаралар ўтказди.


“Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси З.Ҳакимов билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, сайёҳлик йўналишида ҳам ўзаро ҳамкорлик ривожланиши бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Беларус давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Беларуслик меҳмонлар, шунингдек, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, “Ўзфармасаноат” давлат акциядорлик концерни, “Олмалик кон-металлургия комбинати” очик акциядорлик жамияти, Ёг-мой ва озиқ-овқат саноати ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмалари, Республика товар хомашё биржаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан музокара олиб бордилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳуқуқматларга қўшма комиссияни ташкил этиш, солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Беларус Республикаси Миллий фанлар академияси ўртасида илмий ҳамкорликка доир шартнома имзоланди.

Янги наشر

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги яна бир наشر “Инфокоммуникация: Тармоқлар. Технологийлар. Ечимлар” деб номланган илмий-техник журналнинг биринчи сонни босмадан чиқди.



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази муассислигида ташкил этилган ушбу наشر ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, почта алоқасини ривожлантириш муаммолари, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кўрсатиладиган янги хизмат турларини жорий этиш масалаларини ёритади.

Қулай меҳнат шароити — тараққиёт омили

Пойтахтимизда 24 май кунини иқтисодиётнинг барча тармоқларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўлими вазирилик ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, олимлар ҳамда мутахассислар, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти, Россия, Украина, Беларус, Қозғистон, Қирғизистон касабаси уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова бошқарган анжуманда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётини ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш борасида изчил амалга ошириладиган кенг қўламли иш-

лохотлар аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда жамиятни модернизация қилиш жараёнида инсон ва унинг манфаатлари устулликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Мазкур анжуманда иқтисодиётнинг барча тармоқларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитининг ҳозирги аҳолининг кўриб чиқилиши, бу борадаги долзарб муаммоларни муҳофиза қилиш, ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқини таъминлаш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви, касабаси уюшмалари, давлат назорати ва экспертиза органлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга оид масалалар муҳофиза этилди. Шунингдек, бу борада бошқа давлатларда ортирилган таъриб, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги вазиятни янада яхшилаш бўйича самарали тадбирларни ишлаб чиқишга оид қатор маърузалар тингланди ва муҳофиза қилинди.

Бугун мамлакатимиз марказидан тортиб, чекка ҳудудларигача замонавий қурилиш ашёлари кириб борди. Иморатлар томлари бежирин черепицалар билан ёпилиб, кўркам киффа касб этаптир.

Риштон черепицаларига талаб ортмоқда



Бу материаллар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, айниқса, кишида фахр уй-ғотида. Қурувчиларга замонавий маҳсулотларни ётказиб беришда Риштон туманидаги “ASIA PAINTS KERAMIK” Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонасининг ҳам нуносиб улуши бор.

24 кишилик жамоадан иборат корхонага янги ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилгандан сўнг, ишчилар сонини икки баробар ортди, тайёрланаётган маҳсулот тури, микдори ва сифати ҳам ошди. Натижада иссиқ ва совуққа чидамли Риштон черепицаларига харидорлар тобора кўпаймоқда.

Айни пайтда корхона цехларида кунига 300 квадрат метрдан ортиқ уч турдаги черепицалар, бино пештоқлари учун қошинлар тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи» ва ўзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Тахририятдан маҳалла ҳақида, маҳалладаги иноқ қўшнилар тўғрисида ёзиш топширигини беришгандан ичмида жиймайиб қўйдим. Негаки, мисол ҳам, мавзу ҳам тап-тайёр эди. Одам билган нарсасини, кўрган нарсасини, аниқроғи, юрагидан ҳис қилган, ўша юрак қириғидан ўтган нарсаларни ёзишни керак. Акс ҳолда минг бўёб-бежама ёзганингдан сохталик тўғрисида бир ёнги кўриниб қолаверарди.

Кўшним — АРИНДОШИМ...

Бундай бўларди. Тунги кеч соат ўн-ўн бирларда Аскар билан Ўғилдай “Қизимизни берақолинглар, ухламоқчимиз...” дейишарди. Фарзонани эса бергимиз келмасди. У тунда кетгани билан тонг отар-отмас девор урилмаган ҳовлимизга чопқиллаб кириб келарди. Унинг келиши биз учун байрам эди. Бирга овқатланиб, бирга чой ичардик. Мен эртақ айтиб берсам, хотиним алла айтиб беради. Унинг майиз тергилаб ейишига, жийдаларни саралаб-саралаб оғизчасига солишига қараб “дудуча” деб ном қўйиб олгандик. Бу ном жўжача, товўча дегани бўлса керак-да. Ана шу ном Фарзонани йиллар давомида тарқатмади. Кейин Одина туғилди. Кейин Умида. Сўнг эса Аббос дунёга келди. Улар билан баравар ўзимизнинг ҳам неваралар ўсиб-улғая бошлашди.

Маҳалладаги айрим кишилар ҳали-ҳамон хайрон бўлишди: “Невараларнинг йўқ пайтида сизларни тушуна бўларди...” Эндиликда-чи? Бир этак болакайларнинг қайси бири ўзлариники, қайси бири қўшнилариники эканлигини билмай қоламиз. Намунча кўйиб-пишмасаларинг...”

Бундай олиб қарасак “куйиб-пишмиш”га ўрганиб қолиб-миз. Масалан, айталик Фарзонанинг, Одинанинг, Умида Аббосларнинг туғилган кунига “ё туғилди, ё қўйлак, ёки ўйинчоқ машина харид қилиш иккимизнинг сира-сира ёдимиздан чиқмайди. Фарзона биринчи синфга борган йили унга “Болалар энциклопедияси”ни совға қилгандик. У ана шу китобни варақлаб катта бўлди. Одина ана шу китоб тўғрисида “азло”га ўқийдиган бўлди. Тўғри, китобнинг

муқовасига варақлари саккиз йил ичиде ҳилвиллаб кетди. Бироқ уни ўрта қизалоқ талашиб ўқийди. Урта қизалоқ ана шу китобни худди ётқиқдек кўтариб боғинг у чеккасида бу чеккасига югуришарди.

Фарзона икки юз кадам наридаги қрандан ҳам ўзлариникига, ҳам бизникига сув ташийди. Қўлимиз банд бўлса, молга ўт солиши, сув бериши, ўзи сингилларни учун оддий бир ҳолга айланган. Улар бу ишларни учиб юриб қилишарди. Чопиб юриб қилишарди. Қўлимизни олганларидан шодланиб ҳам қўйишарди. Хотинимни “катта опа”, мени эса “бобо” деб қақришарди.

Болалар кўнгли элчилари экан. Аскар икки ҳовли ўртасига девор урди. Биз хош чимирдик. У “Сизларни ҳам булар тавом безорикчи қилиб юборишди. Шунини ўйлаб девор кўтардим...” деб кулим-

Маҳалла — менинг уйим

Улар бу ҳовлидан у ҳовлига, у ҳовлидан бу ҳовлига бўлгудек кўчиб юришарди. Чугур-чугурларидан чугурчиқлар ҳам чўчиб кетишарди.

Тонг. Дастурхонга ҳозиргина тандирдан узилган тўртта иссиқ нон қўйилган. Бир коса қаймоқ, олтига кичик косаларда эса сут деганлари буғланиб турибди. Ҳадемай, болалар тўпанишарди. Кўп ўтмай биргалашиб чой ичамиз. Шуларсиз томоғимиздан сув ўтмайди. Эр-хотин бу ҳақда умуман гаплашмаймиз. Гаплашмасак ҳам ўйлаган ўйларимиз бир-биримизга ойдек равшан. Гашт-гашт, деб гапираемиз. Мана гашт. Мана кўнгли. Мана сўзсиз боғланиб қолиш...

Бир гапни ёзиш ёддан кўтарилай дебди. Аскар жўрларининг даврасида “Болаларни биз дунёга келтирмайсулар қўшимизнинг уйда катта бўлади...” дея мактанибди. Бу гапни хотинимга айтдим. Шундай депдим, деганча у суанди. Менинг кўнглимда эса хурсандчилик ҳислари кезингандек бўлди.

Хурсанд бўламану ўн-ўн беш йил муқаддаги воқеалар хаёлимни қитиқлайди.

Кич. Чилла. Совуқ деганлари этдан ўтиб, суякни зиркиратди. Қўшни томондан ёш эр-хотин Фарзонани берингла, деган маънода тинмай қақиради. Эшикни очиб “Бир кунга ҳеч нарса бўлмади. Эрталаб олкетасизлар. Бугунча бизникида қолақолсин” деймиз. Улар юзимиздан ўтинолмайди. Улар кўнглимизга қарайди. Иссиқ хонада Фарзона кўйриққа ўйнапти. Унинг икки ёнида бизлар қизалоқнинг ўйинини томоша қилиб ўтирибмиз. Ҳали ўсиб улгурмаган сочлари майда қилиб ўрилган. Ана шу ўрилган сочлари учнда пахта пиллик қилилади.

...Мақола тугади. Ия, ахир сиз маҳалла ҳақида ёзмакчи эдингиз-ку, дейишингиз мумкин. Мен маҳалла ҳақида ёздим. Маҳалла деганлари аслида мана шунанганг кўзга кўринмас меҳр ришталаридан бошланади-да. Маҳалла деганлари ахир қўшнингнинг боласи учун дўқондан кўйриқ, қандолатпаздан эса хўроқанд харид қилишдан бошланади, деб ким ҳам айта олади?

Маҳалланинг асоси меҳрдир. Аяшдир. Бир-бирини аяган, бир-бирини суяган, бир-бирига яхшилик соғинган одамлардан маҳалла деган тушунча келиб қақиди. Ана шу шунда деворларга ҳожат қолмайди. Дўқонлардаги қулфларнинг бозори қосод бўлади.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Коллежда касб ўргандим!



Ёши улғулар қизларга нисбат беришгандан, аввало, уларнинг хуш ҳўлми ҳақида тўхталиб, сўнгра “қўли гул чевар-ку” дея қўшимча қилишарди. Дарҳақиқат, ўзбегимнинг қай бир хонадонига кирманг, албатта, тўқув ёки тўқув дастоҳи борлигига ғувоҳ бўласиз.

Олтинқўл хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида ўқувчи ёшлар 5 та мутахассислик бўйича касб-ҳўнар ўрганоқда. Эътиборлиси, барча шарт-шароитлари мавжуд 23 та ўқув, 3 та лаборатория, шунча тўғарақ хонаси, спорт зали, замонавий кутубхона ҳамда 100 ўринли охинона улар ихтиёрида. Мазкур билим даргоҳининг эътиборни тортганидан яна бир жиҳати шундаки, танлаб олинган маҳаллий чеварлар 50 дан зиёд ёшларга тикувчилик ва зардўлак сирларини ўргатишмоқда.

СУРАТДА: тўғарақ раҳбари Ноҳира Шамсиева шогирдлари билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

Мухтарам Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиши, у ерда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан танишиши Оролбўйи воҳаси солномасига зарҳал харфлар билан ёзилиши аниқ. Турли соҳа вакилларининг бу ҳақдаги дил сўзларига ғурур ва ифтихор туйғулари яққол сезилиб турибди.

Жалел МУЯТДИНОВ, «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиб:

— Президентимиз ўлка-мизга ташрифи асосида ўз халқи, ўз эли билан мулоқот эри олиб саодат эканини яна бир бор исботлади. Элободдаги учрашувда у киши бизни бағрига босиб сўради, дилдаги энг илиқ гапларини айди.

Қурбонбой МИРЗАМБЕТОВ, Ҳўжайли туманидаги «Адил баймоқли» фермер ҳўжалиги раиси:

— Президентимиз фермер ҳўжалигимизнинг ғўза даласида, бугудай пайкалида бўлиб, қишлоқ ҳўжалик эканларининг ривожини билан танишди. Шунда мен бир нарсани аниқ англадим: энг аввало, Юртбошимиз биз, инсонлар ҳаёти билан қизиқар экан. Айниқса, далада тер тўқаётган навқирон ўғлим Руслан билан самийи сўхбатим барчамизни хўшнуд этди. Уғлим

Мунаввара ҒАНИБОВА, Кўнгрот сода заводи қирқабант цехининг ишчиси:

— Юртбошимиз билан мулоқот бизни ҳажонга солди. У кишининг самийини, оталарча берган ўғитлари, саволлари, фикрлари наикки мени, барча ҳамкасбларимни ҳам тўқинлантириб юборди. Қорақалпоқ кимё саноатининг қалдиригочлари эканимиздан ғурурландик. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимиз ишчиларининг юксак технологиялари ўзлаштиришга янги авлоди пайдо бўлди, улар ҳеч кимдан кам бўлмайди» деган сўзлари бизга қанот бахш этди.

«Халқ сўзи» мухбири Янгийой КўЧҚОРОВ ёзиб олди.

Аскарлар қасамёд қабул қилди

Жизза шахридаги Хотира хиёбонида Ватан олидаги йигитлик бурчини ўташга киришган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу анъанавий тадбирнинг Хотира хиёбонида ўтказилиши бежиз эмас. Мард ва жасур аждоқларга нуносиб авлод бўлиш, бо-болар босиб ўтган матонат йўлидан бориш ҳар бир йигитнинг орасидир. Буни қасамёд қабул қилган аскарларнинг юзларида акс этган ғурур ва қатъиятдан ҳам билиш мумкин.

Фарзандлари қувончига шерик ота-оналар қалби ҳам фахр ва ифтихорга тўла.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз Қўрол Кўчлари тизимида амалга оширилаётган тулб алоҳотлар ўз самарасини бераётганини бошлашга таъкидлашди, ҳарбий хизматини бошлаган аскарларни табриқлаб, уларни Ватанинг нуносиб посбонлари бўлишга чақирдилар.

САМАРҚАНДНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган “Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тўғриварлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш асосида шаҳарда кенг қўламли қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Шохизинда маҳмуидан Бибиҳоним мақбарасигача бўлган ҳудудда сўлим хиёбон барпо этилди. Сиёб деҳқон бозори жаҳон андозлари асосида таъмирланди. Айни пайтда Оқсарой ва Бибиҳоним мақбаралари, Тиллакорим мадрасасида таъмирлаш ишлари давом этаётди. Шаҳар атрофи ва ички йўналишларда замонавий йўллар қурилоқда.

Самарқанд шаҳрининг ўтмиши, тарихий обидалари, бу заминда яшаб ижод этган улғу сиймоқлар ҳаёти, ижоди, илмий фаолиятини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозиргача ўнлаб илмий монографиялар, рисоалар, плакатлар, буклетлар чоп этилди.

Симпозиум доирасида “Самарқанд шаҳрининг умумбаشارий маданияти тарраққиёт тарихида тугган ўрни” мавзусида илмий тўплам тақдими ўтказилди. Ундан ўзбекистонлик ва хорижлик археолог, тарихчи, шарқшунос, манбашунос олимларнинг илмий маърузалари ўрин олган.

ЎзА мухбирлари симпозиумда иштирок этаётган бир ғуруҳ хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Клод РАПИН, Швейцария:

— Мен археолог олим сифатида дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири — Самарқанд атрофидаги тепалиқларда тадқиқотлар олиб бориш шарафига муяссар бўлганидан жуда хурсандман. Самарқандда ўтаётган ушбу анжуманга эса олиб борган илмий изланишларининг самараларини буйича «Илк темир давридаги Кўктепа» мавзусидаги маърузамни тақдим этидим.

Уно ТАКАО, Япония:

— Мазкур анжуман Самарқанд тарихини ўрганишда янги саҳифалар

Баҳор ХИДИРОВА, Ғолиб ҲАСАНОВА, ўзА махсус мухбирлари.

ЖАҲОН 24 соат ичида Яна санкция қўлланадими?

АҚШнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги доимий вакили Эронга нисбатан янада жиддийроқ санкциялар қўллаш лозимлиги тўғрисидаги баёнот билан чиқди.

Унинг фикрича, расмий Техрон халқаро ҳамжамиятнинг ядровий тадқиқотларни тўхтатиш тўғрисидаги талабини бажармапти. Бундан олдинроқ МАГАТЭ расмий Техрон тадқиқотларни тўхтатиш ўрнига ядровий фаолиятини янада кенгайтириб бораётгани хусусида БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот топширган.

Етакчилар ушланмоқда



Исроил ҳарбийлари Фаластин муҳторияти таълим вазири Носир Дин Шаерни қамоққа олган. Бу ҳақда вазирининг турмуш ўртоғи «Рейтер» ахборот агентлигига маълум қилган. Шаер «ХАМАС» гуруҳи етакчилари бири ҳисобланади. Манбада айтилишича, Наблус шаҳрида «ХАМАС» гуруҳининг яна икки нафар юқори мартабали аъзоси ҳам исроиллик ҳарбийлар томонидан олиб кетилган.

Тинч океани ҳавзасида зилзила

Индонезия ғарбиди Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллик зилзила қайд этилди. Ер қимирлагандан сўнг мамлакат ҳукумати цунами келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида аҳолини оголантирган ва зудлик билан эвакуация қилишга кўчларни сафарбар этган. Бироқ бир соатлардан сўнг шошилинч хатти-ҳаракатлар бекор қилинди. Ҳозирга қадар қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумот йўқ.

Президентнинг талаби

Украина Президенти Виктор Ющенко мамлакат бош прокуратурасини Конституциявий суд атрофида юзага келган вазиятга зудлик билан баҳо беришга чакирди.

Кема эгаси айбдор

Ўтган йили март ойи охирида Баҳрайн қирғоғида «Бануш» йўловчи кемаси ҳалокатга учраши оқибатида 58 йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлган. 21 киши эса кўтариб қолинган. Текширувлар натижасига қараганда, кемага метёдрдагидан кўп юк ортилган. Чоршанба куни мазкур кема эгаси Абдулла ал-Кубайсий 10 йилга озодликдан маҳрум этилди.



Саркози қарши

Франция Президенти Никола Саркози Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киришига қарши фикрда эканлигини билдирди.

У Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу билан учрашувда ЕИ тузилиши бўйича ислохотлар ўтказиш масаласини ҳал этмасдан туриб, расмий Анкара билан музокараларни тиклашнинг имкони йўқлигини таъкидлади. Бироқ Еврокомиссия раҳбари Саркозининг фикрига қўшилмади ва бу масалада бир тўхтамага эришиш мумкинлигини айтди.

Ўғри котиба



«Coca-Cola» компанияси департаменти раҳбарининг собиқ котибаси Жоя Уильямс саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. У «Coca-Cola» компанияси маълумотларини ўйирлаганликда айбдор деб топилди.

Уильямс ишени қўриб чиққан судьянинг фикрича, собиқ котиба компанияга катта миқдорда молиявий зарар етказишга уринган. Уильямс компанияда ишлаб юрган кезларида муҳим ҳужжатларни «Coca-Cola»нинг асосий рақиб бўлган «PepsiCo»га сотмоқчи бўлган. Бироқ «PepsiCo» вакиллари котибанинг бу қилмиши ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига хабар берганлар.

Газ етказиб бериш кўпаяди

«Газпром» Туркияга газ етказиб беришни кўпайтирмоқчи. Мазкур масалада «Газпром» Туркиянинг «Bosphorus Gas Corporation A.S.» компанияси билан шартнома имзолади. Унга қўра, «Газпром» 2021 йилга қадар ҳар йили 750 миллион кубометр газ сотади. Россия Туркияга 1984 йилдан буён газ экспорт қилиб келмоқда. 2006 йилга қадар Туркия Россиянинг 20 миллиард кубометр газини харид қилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Асака» банки: ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАЯПТИ



Давлат акционерлик тижорат «Асака» банки 1999 йилдан бошлаб республикада пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу банкда пластик карточкаларнинг икки тури: дебет ва кредит карточкалари муомалага чиқарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қароридан сўнг, айниқса, мамлакатимизда пластик карточкалар тизимини шакллантириш борасида кескин ижобий ўзгаришлар бўлди.

2005 йилгача бўлган давр ичида банкнинг пластик карточкалар орқали ўтказилган нақд пулсиз айланмаси 1,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда — 4,1, 2006 йилда — 13,6 2007 йилнинг 4 ойи давомида эса 6,6 млрд. сўмга етди. Ҳозирда банк томонидан 203 мингдан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган. Банк касалари, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилувчи кассалар, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда эса 1750 дан зиёд терминаллар ишлаб турибди. Республикада нақд пул муомаласини тартибга солишда ҳам «Асака» банкнинг ўзига хос ҳиссаси бор. 2007 йилда унинг барча бўлимларида пластик карточкалар тизими жорий этилди. Бу бо-



рада, айниқса, Тошкент шаҳар «Автотранспорт», Андижон, Асака, Навоий, Зарафшон филиалларининг ишени алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, Андижон вилоятидаги Асака филиали «ЎздўАавто» акциядорлик жамиятининг 6100 дан ортиқ ишчи-хизматчиларига хизмат кўрсатмоқда. Бу корхона ходимлари вилоятда биринчилардан бўлиб иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олишни бошлаб беришган. Айни кунларда завод ҳудудида иккита банкومات ўрнатилиб, махсус касса очилган. Бу миқдорларни узлуксиз равишда нақд

Ўзбек талабаси — халқаро танлов Ғолибаси

Жанубий Кореянинг Кёнҗи университетида хорижликлар учун корей тили бўйича халқаро танлов бўлиб ўтди.

У «Оила» ва «Корейс маданияти билан танишиш тажрибаси» мавзулари бўйича ўтказилди. Тадбирда жаҳоннинг 27 мамлакатидан 873 нафар қатнашчи, жумладан, Кёнҗи университетида тахсил олаётган чет эллик талабалар ҳам иштирок этди.

Кёнҗи университети-нинг ўзбекистонлик талабаси Наталья Ким «Оила» мавзуси йўналишида танлов ғолиблигини қўлга киритиб, Корея Республикаси маданият ва сайёҳлик вазирлигининг кимматбахо совғасига сазовор бўлди.

Мазкур университетнинг Интернет нашрида таъкидланганидек, танлов давомида томошабинлар беллашув иштирокчилари томонидан намойиш этилган турли мамлакатларнинг миллий либосларини кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Корейс тили бўйича мазкур халқаро танлов 1446 йили хангил корейс ёзувини амалиётга киритган қирол Сёхоннинг тузилган кун хотираси шарафига Кореяда яшовчи ва тахсил олувчи чет эллик фуқаролар учун ўтказиладиган аънавий анжуман тусини олган. Бу йил ушбу танлов ўнинчи мартаба ўтказилди.

«Жаҳон» АА Сеп.

«Пахтабанк» — мамлакатимиздаги етакчи молиявий муассасалардан бири. Бугунги кунда унинг филиаллари республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ишлаб турибди. «Пахтабанк»нинг Янгийул шаҳар бўлими эса иқтисодий жиҳатдан бақувват ва миқдорларнинг ишончига сазовор бўлган жамоалар сирасига ки-ради.

«Пахтабанк»: ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ БАРАКАСИ

Ўтган йили мазкур бўлимда илк мартаба истеъмол кредити бериш йўлга қўйилди. Жумладан, бултур 8 нафар фуқарога 5098 минг сўм кредит берилган бўлса, шу йилнинг дастлабки чорагида 34 шахсга 24671 минг сўм истеъмол кредити ажратилди.

— Бундан ташқари, яқундан йилда қорамол сотиб олишлари учун 39 кишига, бу йил эса 14 кишига кредит ажратилди. — дейди бўлим бошқарувчиси Илҳом Аҳмедов. — Айни чоғда, миқдорларимизнинг қишлоқ ҳўжалиги техникаси сотиб олиш, чорвачиликни ривожлантириш, қурилиш ва савдон ийўлга қўйиш бўйича муносабатлари ҳам ўз вақтида бажарилмоқда. Мисол учун ўтган йили 227 нафар миқдорга кредит берилган бўлса, шу йилнинг



дастлабки чорагида 262 та жисмоний ва юридик шахс кредит билан таъминланди. — «Пахтабанк» томонидан муомалага чиқарил-

хона ва ташкилотларга ҳам юқори сифатли хизмат кўрсатиш ишлари ҳам йўлга қўйилгани миқдорларга манзур бўлаётир. Банкнинг Навоий вилоятидаги Зарафшон филиалида эса, гарчи пластик карточкалар тизими 2006 йилнинг бошида жорий этилган бўлсада, ўтган даврда катта миқдордаги иш ҳақи лойиҳаларига шу орқали хизмат кўрсатиш одат тусига кирди. Масалан, 750 дан ортиқ ишчилар ишлайдиган «Қизилқум ГРЭ» ва 1000 дан зиёд ишчиларга эга бўлган «ИП Зарафшон-Суграли» корхоналари иш ҳақларини пластик карточкалар ёрдамида олиш учун банк билан шартномалар тузишган. Натижада филиалда кўрсатилган даврда пластик карточкалар орқали савдо айланмаси 526,4 млн. сўмни ташкил қилди. Маълумки, Зарафшон шаҳрида йирик ишлаб чиқариш корхоналари кўп. Шуни ҳисобга олиб, банк филиали бу ерда пластик карточкалар тизимини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Филиал ходимлари эса барча миқдорларга юқори сифатли хизмат кўрсатмоқдалар.

Келгусида филиалда замонавий банк хизмати турлари янада кенгайтирилиши, жумладан, пластик карточка орқали кўрсатилаётган хизмат такмили-лаштирилиши, Жамоа аҳли шу мақсадда изланишларини давом эттирмоқда.

Савол беринг — жавоб берамиз НАФАҚА, ПЕНСИЯ, ИМТИЁЗ ВА МАСЪУЛИЯТ

— Қариялар уйда турувчиларга пенсиялар тўланадими? С. ЖАББОРОВ, Навоий тумани.

— Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 60-моддасига мувофиқ, қариялар ва ногиронлар, интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ, лекин тайинланган пенсиянинг камида 10 фоизи, уруш ногиронларига эса камида 20 фоизи тўланади. Руҳий беморлар, интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

— Давлатта қарашли корхонада ишлайман. 12 ёшли ногирон фарзандим бор. Менга фарзандимга қараш учун қўшимча дам олиш кўни берилиши мумкинми? А. САМАДОВА, Шеробот тумани.

— Ҳа, албатта. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 230-моддасига қўра, ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомиёга) бола ўн олти ёшга тулғунда қадар давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан бир кўнлик иш ҳақи миқдорига ҳақ тўлаган ҳолда ойма қўшимча бир дам олиш кўни берилиши кўрсатилган.

— Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасини олишда кимлар имтиёзга эга? О. НОРМАТОВА, Қўشқўйр тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида»ги Низомнинг 13-бандига қўра, ер участкалари биринчи навбатда:

ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилаётган фуқаролар; иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига; байналмилал жангчиларга; ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг оилаларига; меҳнат фахрийларига; ўзлари ағаллаб турган давлат турар жой фондининг турар жойларини шахар ва туман ҳокимликларига бераётган фуқароларга берилади.

— Ногирон бола учун тайинланган нафақа ўз вақтида олинмас, нафақа пули куйиб қолади-ми? Л. АЙМАТОВА, Байт шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарори билан тасдиқланган «Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ, тайинланган, бироқ олувчи томонидан ўз вақтида талаб этиб олинмай қолган нафақа суммаси нафақа олиш учун мурожаат қилингандан олдинги ўтган вақт учун қўпи билан уч йилга тўланади. Нафақа тайинланган ёки нафақа тўлаётган органининг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси ўтган вақт учун бирор-бир муддат билан чеклашмас тўланади. Кўрсатиб ўтилган ҳолда нафақанинг 12 ойга тегишли бўлган суммаси бир йўла берилади, қолган қисмлари эса ҳар ойда нафақанинг жорий қисмига қўшимча тарзда ойлик нафақадан ошмайдиган тенг улушларда тўланади.

Setco Магазин-салон «УМНЫЙ ДОМ» www.setko.uz Мини-АТС, Видео-наблюдение, Контроль доступа. (Под заказ) Тел.: 138-9999, 137-2988.

Sonata NF Santa Fe New Elantra Tucson Drive your way Тел.: 150-00-70. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган www.hyundai-motor.com

Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида Машрабхонлик ҳафтаси ўтказилмоқда.

МАШРАБХОНЛИК КУНЛАРИ

Машрабнинг ҳаёти ва ижоди халқимиз бой маънавий меросининг ажралмас қисмига айланган. Бир неча йилдирки, наманганликлар шу ерда туғилиб ўсган шoir таваллуд кунини нишонлаб, унинг хотираси ва шоирлик истеъдодига ўз ҳурматини изҳор қилмоқда.

Намангандаги шоир номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғида ҳам аънавий Машрабхонлик кунлари бўлиб ўтмоқда. Вилоят жамоатчилиги, олимлар, шоирлар ва ёзувчилар унинг ҳаёти ҳақида сўзлаб бермоқда, шеърларини ўқимоқда, шоир музейини бориб кўрмоқда. Мактаблар, коллеж ва олий ўқув юртиларида илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

И.РАЗУҚОВ, ЎЗА мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

«СОВРИНДОРЛАР САФИДА БЎЛАМИЗ»

деишмоқда «Универсиада—2007» мусобақаларига тайёргарлик кўраётган жиззахлик талаба-спортчилар



Жиззах вилояти ёшларининг «Универсиада» мусобақаларида эришган натижалари яхшиланиб бормоқда. Улар Наманганда бўлган дастлабки беллашуларда охириги ўринлардан бирини эгаллашган эди. Бухородаги мусобақада кўрсаткич анча яхшиланди. 2004 йилги Самарқандда ўтказилган «Универсиада»да эса вилоятнинг 6 нафар спортчиси медаллар эгаси бўлди.

Бу йил натижаларининг янада яхшироқ бўлишини умид қилиш учун асослар етарли. Жиззахдаги педагог ва политехника институтларининг жами 4500 нафар талабаси ўртасида дастлаб икки босқичли саралаш мусобақалари ўтказилиб, энг кучлилари терма жамоага жалб қилинди. Улар орасида аввалги «Универсиада» катнашчилари, республика чемпионатлари ғолиблари бор. Шунингдек, жамоага тажрибали шахматчи Юлдуз Ҳамроқуллова, Осиев ва Европа чемпиони Анузар

Юнусов каби донгдор спортчилар таклиф этилди. Колаверса, Жиззах давлат педагогика институтининг янгидан бунёд этилган спорт мажмуида талабаларнинг тайёргарлик кўришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. «Универсиада — 2007»да вилоятдан катнашадиган 139 нафар талаба мажмуотларни шу ерда ўтказишяпти. «Сўғдиёна» уйингоҳи, Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуи ҳам улар ихтиёрига бериб қўйилган.

— Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор, ўқувчи ва талабалар учун яратилаётган шароит бизларни доимо ғалаба сари руҳлантиради, — дейди Жиззах давлат педагогика институтининг иккинчи курс талабаси Хаёт Сайфуллаев. — «Баркамол авлод» мусобақаларида белбоғли кураш бўйича ғолиб чиққандим. Энди «Универсиада»дан ҳам медал билан қайтишни мақсад қилиб қўйганман.

Институтнинг жисмоний маданият факультети декани Олим Мукимов кўли босқич мусобақалари ҳақиқий оммавий спорт байрамига айланиб кетганини гапираркан, талаба-спортчиларнинг шахсий кўрсаткичлари мунтазам таҳлил қилиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарғонада теннис бўйича муқофот жамғармаси 35 минг АҚШ долларига тенг «Челленжер» ҳалқаро турнири давом этмоқда.

«Челленжер» — Фарғонада

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада дунёнинг ўн та мамлакатидан келган теннис усталари баҳс юритмоқда.

Афсуски, бу сафарги турнирда кўпчилик вакилларимиз кутилган натижага эришолмадилар. Теннисчиларимиздан фақат Важа Узоқов жуфтлик

беллашуларидан муваффақиятга эришяпти. Навбатдаги учрашувда В. Узоқов ва ҳиндистонлик К. Растиги жуфтлиги Украина ва Россия вакиллари Сергей Бубка — Евгений Крилловни мағлуб этишди.

Н. СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон чемпионати олдидан

Миллий қадриятимиз — кураш дунёнинг янги ва ёрқин спорт тури сифатида шиддат билан ривожланиётгани кувонарлиқдир.

Жорий йилнинг октябр ойида бўладиган VI жаҳон чемпионатида Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳри мезбонлик қилади. Кеча КХАнинг Тошкентдаги қароргоҳига Мўғулистон кураш федерацияси президенти жаноб Ганбаатар Бегзодан хушхабар келди. Унда айтилишича, чемпионатни юқори савияда

уюштириш, мусобақа ўтадиган жойларни тайёрлаш ишлари алоҳидачона бошлаб юборилган. Айниқса, спорт мажмуаларини безаш, махсус совға ва кийимлари тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Хитойнинг нуфузли фирмалари билан шартномалар имзоланган.


«Милан»нинг еттинчи кубоги

Грециянинг Афина шаҳридаги «Олимпия» стадионида Европа чемпионлар лигасининг финал учрашуви бўлиб ўтди.

Финалда барча саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган «Милан» (Италия) ва «Ливерпуль» (Англия) жамоалари майдонга тушдилар. Эсингизда бўлса, икки йил олдин Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтган финалда ҳам икки жамоа ўзаро учрашган, унда «Ливерпуль» пенальтилар сериясида зафар қўчганди. Бу сафар уйин пенальтигача

етиб бормади. Учрашувнинг асосий вақтида италиялик футболчилар «Ливерпуль»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, еттинчи бор нуфузли турнир ғолибига айланишди. «Милан» 1963, 1969, 1989, 1990, 1994 ва 2003 йилларда ҳам чемпионлар лигасида бosh совринни қўлга киритганди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Abdulla Qahhor 100 yoshida.

Замондош ибрати

энди, дея нималарнидир хотирасида жонлантиришга ҳаракат қилади. Хуллас, қаҳрамонимизнинг такрорланмас болалигида шундай бир кичик воқеа бўлиб ўтди: Урта мактабда ўқиб юрган йиллари эди. Китобга

китоб йўқолса, осмон узилиб ерга тушармиди, ўйларди у. Лекин негадир кўнгли ғалати бўлди. Қаеридир оғригандай ҳам бўлди. Тавба, ғалати оғрик...

Хаётда кучли эътиқод орзулар рўёбига замин ҳозирлайди. Муҳаммадали Эшнazarов ҳозирги кунда Тошкент Давлат Иқтисодий университетиде катта

ЁШЛАР — КИТОБХОН

Фақат уларга имконият яратиб бериш керак, зеро, маърифат ёшлар қалбига қуйлажак оби ҳаётдир.

Маънавий камолот ҳақида сўз кетганда, авваламбор, инсоният тарихидаги буюк кашфиёт — китоб кўз ўнгимизда намойён бўлади. Китобсиз маънавий баркамолликка, илму маърифатга эришиб бўлмаслиги айни ҳақиқат. Илму маърифатсиз кишилардан иборат жамиятни эса, ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмас керак.

Муҳаммадали ака кўп китоб ўқийди, кўп китоб йиғди, кўп китоб совға қилади.

— Бунчалик иштиёқ билан китоб тўплашингизга нимадир туртки берадими ёки бу сизнинг «хобби»нгизми? — сўраймиз астагина.

— «Хобби» десам бўлмас-куя, қарадорлик ҳисси десам, тўғрироқдир, — дейди у анча жим қолиб. Сўнг бир воқеани айтиб бермасам бўлмайдими

меҳри баландлигидан уйда қанақа китоб бўлса ўқиб чикарди, айримларини ёд олган ҳам. Кейин устозининг маслаҳати билан мактаб кутубхонасига аъзо бўлди. Кутубхоначи опанинг ажойиб бир одати бор эди. Китоб олган бола уни ўқиб бўлган, мазмунини сўзлаб беришини, кейин топширишини қаттиқ талаб қиларди. Болакай эса китобни ўқишга-ку, ўқирди, аммо сўзлаб беришга биров қийналарди. Китобни топширишга борса ўқиганларини айтиб бер, деб қийнаса-чи, шундан «чўб кутубхонага бошқа бормади қўя қолди.

Бир кун хунук иш бўлди-да. Уйларига кутубхонача опа ташриф буюрса бўладими? Уни кўрган Муҳаммадали куёнининг расмини чицақолди. Ахир, олган китобини йўқотиб қўйганди-да. Қизиқ, катта бир кутубхонада битта

ўқитувчи, ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Шундай бўлса-да, болалигимдаги қардорлик ҳисси уни ҳеч ҳам тарк этмайдди. Хув ўша оғриқни гўёки энди у юрак-юракдан ҳис қилади. Бирор адабнинг, шoirининг янги китоби нашрдан чиқса, уни биринчилардан бўлиб ўқиб чиқади, сўнгра имкон қадар ўзи таҳсил олган қардон мактаби — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 9-мактаб кутубхонасига совға қилади.

— Инсон ёшлиғида ниманики ниёт қилса, албатта ижобат бўлар экан, — дейди у. — Болалигимда телевизорда кўрган таниқли ижодкорлар билан танишишни, улар сўхбатидан баҳраманд бўлишни оруз қилардим. Уларнинг янги чиққан китобларидан сотиб оламанд-да, дастхат ёздириб қардон мактабим кутубхонасига жўнатаман. Ўттиз-қирқта-

лаб сотиб олаётганимни, машинада доимо кўплаб китоблар бўлишини кўргач, бу одам китоб савдоси билан шуғулланаркан-да, деб ўйлаган танишларим ҳам бўлган. Турт-беш йил аввал таниқли адаб, адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Эзод ака Шарифиддинов (Оллоҳ раҳмат қилсин) билан яқиндан танишгандим. У киши менинг ҳаракатларимни кўллаб, мақсадимни англагач: «Жуда яхши савобли ишга кўл урибсиз, ука, қани энди, сиз каби инсонлар кўпроқ бўлса, мен сизга юз дона бадий китоб совға қиламан. Уларни менинг номимдан ўқувчиларга етказин», — деди.

Шунингдек, ўқитувчилар кўни муносабати билан Тошкент Давлат Иқтисодий университети жамоаси номидан салкам ярим миллион, академик Мурод Шарифхўжаев кўмағида 120 минг сўмлик, Нурилом Тўхлиев 300 дан ортиқ, Султонмурод Олим шаҳсан ўзининг ижодларидан ўнлаб асарларини кутубхонамизга совға қилишди.

Яқинда «Шарқ зиёдор» дўконини айланиб юрганымда харидор она-боланинг сўзлари кўлоғимга кирди:

— Вуй, ойи, қаранг, анави китоб чиройли экан, ўшани оверинг, — ялинди бола ойисига.

— Қўйсанг-чи, китоб ҳозир модадан қолган. Ана, аданг сенга деб ўйга компьютер олиб келди. Истаганинча ўрган, бир нималарни топ. Китоб деб бошимни қотирма, — жеркиб берди онаси.

Ха, афсуски, китобга нописанд қарайдиган, китоб ош-нон берарминди, дейдиганлар ҳам бор. Боласига фалон минг сўмлик ўйинчоқ олиб бери, мактаниб, минг сўмлик китоб сотиб олишга энаси қотадиганлар, китоб ўқимасдан ҳам янаша бўлади, дейдиганлар ҳам топилди.

Муҳаммадали Эшнazarов қилаётган ишларни эса жонқуярлик десак бўлади. Зеро, ёшларни китобхонликка ўргатиш маърифатли жамият қуриш пойдевори эканлигини яхши ҳис қилади, бу инсон. Шунинг учун хайрли ишдан чарчамайди.

Юсуф ЖҲҲАЕВ.

Ўқидингизми?

«Самарқанд қадамжолари»

Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти Иноятулла Сувоқулловнинг «Самарқанд қадамжолари» рисоласини ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этди.



Ушбу китоб Самарқанд шаҳри ва вилоятида жойлашган имом Бухорий, Шохизинда, Хожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам, Юсуф Ҳаммадоний, Регистон каби 30 дан зиёд тарихий ёдгорликлар билан бир қаторда халқ хотирасида сақланиб келинаётган муқаддас қадамжолар таърифи ва тасвифи бағишланган. Асарият тарихлар жонқуяр муаллиф сайёҳаракати ва изланишлари натижасида жамланган бўлиб, маънавий меросимиз ихлоосмандлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳ. НАРЗУЛЛАЕВ.

Газ улгуржи астеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН замонавий электрон газ ўлчачиқлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаби» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Қисқа сатрларда

Қаршининг «Афсона»си

Қарши шаҳри марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида уч юлдузли «Афсона» меҳмонхонаси ишга тушди. Ушбу замонавий бинода меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилган. Ресторан, конференция зали ишлаб турибди. Меҳмонхона мулкдори — «Афсона АМБ» фирмасининг биринчи меҳмонхонаси 2004 йилда ишга туширилган эди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Билайн»нинг «Тез ёрдам»и

Жиззахда «Билайн»нинг янги офиси иш бошлади. Бу «Unitel» компаниясининг республика вилоятларидаги ўзинчи расмий идорасидир.

«Unitel» бош директори Е. Рубиннинг таъкидлашича, компания республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш билан бирга жиззахликларга арзон, юксак алоқа хизмати кўрсатишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу режа «Билайн» савдо маркази орқали амалга оширилади.

Янги офиснинг очилиш маросимида «Unitel» компанияси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига «Тез ёрдам» автомашинаси совға қилди.

С. БАҲРИДИНОВ.

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПК-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида «Ўзтрансгаз» компанияси ва унинг таркибий бўлинмалари ҳамда унитар корхоналари молия-ҳўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги тасдиқлаган

РЎЙХАТДАН ЎТГАН АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таклифларни куйидаги манзилга юбориш мумкин: Тошкент ш., Юсуф Ҳос Ҳожиб к., 31-«А» уй. Телефон: 139-45-84. Факс: 139-43-63. buh_uztg@mail.ru

Российский линолеум

Обои
Виниловые

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ТАШКИЛОТ

Motorola GP-300, GP-340, VertexStandard VX-210, Посбон (Гранит, С-130)

РУСУМЛИ ҚЎЛДА ОЛИБ ЮРАДИГАН РАДИОСТАНЦИЯЛАР УЧУН ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Маълумот учун телефонлар: 133-55-33, 152-16-66

Товар сертифицирован

цены указаны без учета таможенных платежей

195-88-77 ВЕСЬ МОДЕЛЬНЫЙ РЯД от **14 500** у.е. + подарок

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси музика театрининг директор ўринбосари Жулғас Абдуллаевга ўғли

МАКСЕДНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» ОАЖ жамоаси «НавоиИЭСқурилиш» шўъба корхонасининг директори Шавкат Солиқовга волидан муҳтарамаси **ТАРСУНОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА куни — 22.30 Топширилди — 23.05 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев. Навбатчи — А. Самадов. Мусаввир — М. Ёкубова.